

12-1-2019

THE PROCESS OF SECONDARY PUBLIC OFFERING OF STOCKS IN THE STOCK MARKET AND ITS ANALYSIS (ON THE EXAMPLE OF “KVARTS” JSC)

A. Karimov
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Karimov, A. (2019) "THE PROCESS OF SECONDARY PUBLIC OFFERING OF STOCKS IN THE STOCK MARKET AND ITS ANALYSIS (ON THE EXAMPLE OF “KVARTS” JSC)," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 6 , Article 17.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/17>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE PROCESS OF SECONDARY PUBLIC OFFERING OF STOCKS IN THE STOCK MARKET AND ITS ANALYSIS (ON THE EXAMPLE OF “KVARTS” JSC)

This article focuses on the process of secondary public offering of “Kvarts” JSC stock in the stock market, the current opportunities and financial status of the company and the economic nature of the process.

Key Words: securities market, available funds, stock market, financial asset, shareholder, market capitalization, market quotes, market maker, IPO, SPO.

Currently, the Republic of Uzbekistan implements systematic measures to create conditions for the comprehensive and rapid development of the state and society, and to develop a long-term strategy of modernization of the country and liberalization of all spheres of life. In particular, one of the programs that should be implemented in order to further macroeconomic stability and maintain high economic growth rates: development of the stock market as an alternative source of institutions and free resources of the population ”¹. Of course, in order to implement these programs, it is necessary to place financial assets in the stock market with the real efficiency of the securities market. Stocks of “Kvarts” JSC is one of them in the stocks market in Uzbekistan.

Conducting primary (IPO) and secondary (SPO) shares in the securities market is an important tool for accumulating and investing free cash flows in the economy.

The process of the secondary public offering (“SPO”) of shares of “Kvarts” JSC in the stock market of the Republic is carried out in accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 19, 2019, No. 5666, and the brokerage companies. The plan was originally approved for the sale of a 20% stake in the “Kvarts” JSC with a secondary SPO on the stock exchange, with a 5% stake in June 2019. ² However, due to the fact that the Quartz Joint Stock Economic Performance Assessment has taken a long time, the initial 5% SPO process is being implemented in October-December 2019. The process of secondary public offering of shares is carried out at the Republican Stock Exchange "Tashkent" at the prices quoted by the buyer, with the highest priority.

In our days, company “Kvarts” JSC has stability business proesse in our national economy, started its activities in 1975 in Kuvasay, Ferghana region. Currently, the company produces glass, glass jars, bottles, glass and fire-resistant materials for industry. According to marketing researches, the share of company in the market of

¹The strategy of further development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 02.02.2017. No. 4947.

² Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “Additional measures for the effective use of the state property” Tashkent, February 19, 2019, No. PF-5666, National Database of Legislation, No. 06/19/5666/2636, dated 20.02.2019.

Uzbekistan is 95% for glass jars, 60% for construction glass and 50% for glass bottles. In accordance with the Company's Strategic Development Program for 2017-2021, large-scale reforms are underway at the enterprise to modernize production, introduce energy-efficient lines, increase production and shareholder returns.

Under the economy liberalization, the state-owned stake in “Kvarts” JSC is slowly being privatized. According to the State Program and decisions of the President of the Republic of Uzbekistan, it is possible to note that by 2022 the share of private investors in “Kvarts” JSC will be 25.22%.

In summary, “Kvarts” JSC is currently the largest industrial facility in Central Asia. With a market share of 26.3% in the production of flat glass for industry and household, this figure will be 84.7% after the planned investment project and will allow the company to deliver its high quality products to the domestic and foreign markets. Analyzing the financial performance of “Kvarts” JSC, the company's net sales in 2018 were \$ 299.6 billion. According to the business plan in 2019 this figure will amount to 322.7 billion soums and by 2023 will be 486.6 billion soums. Regarding the dividend policy of company, the company is targeting a dividend payment of at least 49% of its net profit for 2015-2017. In addition, at the end of 2018, the company provided shareholders with an additional 233.2% of their nominal value based on the addition of one additional share per share.

Based on the above considerations and analyzes, we offer the following on the process of secondary public offer (SPO) of “Kvarts” JSC shares in the stock market:

- Complete the process of the secondary public offering of shares of “Kvarts” JSC (SPO) in February 2020, taking into account the demand for financial resources in the country. Observations show that in December of the year demand for primary needs of individuals will increase;

- to increase the number of ordinary shares that can be purchased by each participant in the process of secondary public offering (SPO) of “Kvarts” JSC by 4,822 shares to attract more investors;

- reduction of the commission fee on the SPO by the “Tashkent” RSE and brokerage firms;

- implementation of a large-scale Road Show project through the process of secondary public offering (SPO) of “Kvarts” JSC shares through mass media and social networks.

**ФОНД БОЗОРИДА АКЦИЯЛАРНИНГ ИККИЛАМЧИ ОММАВИЙ
ТАКЛИФИ(SPO)ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ
(«КВАРЦ» АЖ МИСОЛИДА)**

Мазкур мақолафонд бозорида «Кварц» акциядорлик жамияти акцияларининг иккиламчи оммавий таклифи жараёнига, мавжуд имкониятлар ва компаниянинг молиявий ҳолатига ҳамда ушбу жараённингиктисодий мазмунига алоҳида эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: қимматли қоғозлар бозори,бўш пул маблағлар, фонд бозори, молиявий актив,акциядор, эмитент, бозор капиталлашуви, бозор котировкаси, маркет-майкер, SPO, IPO.

**ПРОЦЕСС ВТОРИЧНОГО ПУБЛИЧНОГО РАЗМЕЩЕНИЯ АКЦИИ НА
ФОНДОВЫМ РЫНКЕ И ЕГО АНАЛИЗ
(НА ПРИМЕРЕ АО «КВАРЦ»)**

Данная статья посвящена процессу вторичного размещения акций Кварца на фондовом рынке, текущим возможностям и финансовому состоянию компании, а также экономическому содержанию процесса.

Ключевые слова:рынок ценных бумаг, свободные средства, фондовый рынок, финансовый актив, акционер, эмитент, рыночная капитализация, рыночные котировки, маркет-мейкер, IPO, SPO.

КИРИШ

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасидадавлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича ишлаб чиқилган узоқ муддатли стратегия асосида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишмақсадида амалга оширилиши лозим бўлган дастурлардан бири сифатида: “Суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш”[1]ни келтиришимиз мумкин. Албатта, бу дастурларни амалга ошириш учун фонд бозорига яъни қимматли қоғозлар бозорига реал самарадорликка эга бўлган молиявий активларни жойлаштириш лозим.

Қимматли қоғозлар бозорида оммавий равишда акцияларнинг бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) жараёнларини ўтказиш иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини жамлаш ва уни инвестиция жараёнларига йўналтиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида давлат улуши юқори бўлган акциядорлик жамиятларини хусусиялаштиришнинг самарали усули сифатида қимматли қоғозлар бозоридаги иккиламчи оммавий таклиф жараёнини мисол келтирсак муболаға бўлмайди. Хорижлик иқтисодиёт соҳасидаги олимлардан Enrico C. Perotti, Pieter van Oijenлар ўзларининг илмий тадқиқот ишлариданазарда тутган давлат компанияларини хусусийлаштириш тўғрисида фикрлар: “Умуман олганда, хусусийлаштириш дастурини муваффақиятли амалга ошириш институционал ўзгаришларни талаб қилади, бу сармоявий тенглик асосидаги қонунчилик базасини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшиши мумкин. Бироқ, ҳар қандай сиёсий реакцияга қарши хусусий назорат ва сиёсий ислохотлар ўтказилиши керак. Натижада, бозорнинг чуқурлашиши хусусийлаштиришнинг амалда ривожланиши натижасида эълон қилинганидан кейин эмас, вақт ўтиши билан ортади[2]”, қайд этилганидек, ушбу жараёни чуқур таҳлил қилган ва ишончли йўқотмаган ҳолда амалга ошириш муҳимлигини исботлайди.

Юртимиз қимматли қоғозлар бозорида 2018 йил давомида иккиламчи оммавий таклиф жараёнини “Qo'qon mexanika zavodi” акциядорлик жамияти муваффақиятли ўтказган, режадаги кейинги фонд бозоридаги янгилик сифатида «Кварц» АЖ акцияларини СПОсини 2019 йилнинг якунлари бўйича кузатишимиз мумкин. Албатта, бу жараённинг ҳар томонлама самарасини, бир томондан компания, иккинчи томондан мулк эгаси давлат ва учунчи томондан хусусий инвесторлар учун қай даражада фойдалигини қуйида келтирилган таҳлиллار асосида кўриб чиқишимиз мумкин.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Қимматли қоғозлар бозорида иккиламчи оммавий таклифни жараёнининг самараси ва моҳияти тўғрисида бир нечта иқтисодчи олимлар ўз тадқиқотларини амалга оширишган. Хусусан, давлат компанияларини фонд биржалари орқали хусусийлаштириш жараёнига кенг эътибор қаратилган илмий тадқиқот ишларидан бири сифатида Bernardo Bortolotti, Frankde Jong, Giovanna Nicodano, Ibolya Schindeleларнинг “Privatization and stock market liquidity”[3] номли илмий мақолаларида кўришимиз мумкин.

Ривожланаётган мамлакатларда хусусийлаштириш, сиёсий хавф ва фонд бозорининг ривожланиши тўғрисида иқтисодчи олимлардан Enrico C. Perotti, Pieter van Oijen[2]лар ўз илмий тадқиқотларини олиб боришган.

Narjess Boubakri, Olfa Hamza “The dynamics of privatization, the legal environment and stock market development” [4] номли илмий тадқиқотларида сўнгги йигирма тўрт йил ичида 61 мамлакатда маҳаллий фонд бозорларини ривожлантиришнинг самарали воситаси хусусийлаштириш жараёни шароитларни кўриб чиқишган. Хусусийлаштириш ва фонд бозорини ривожлантириш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, улар 1980–1998 йиллар давомида бошланғич ҳуқуқий муҳит фонд бозори ривожланишининг муҳим замонавий ҳал қилувчи омил эканлигини, хусусийлаштириш эса бундай эмаслигини кўрсатган.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш ва компаниялар сотиб олишда IPOни молиялаштириш ролини кенг очиб бергантадқиқотчилардан Nihat Aktas, Kathleen Andries, Ettore Croci, Ali Ozdakak[5]ларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Юртимиз қимматли қоғозлар бозорида SPO жараёнини таҳлилни ўзининг илмий тадқиқотларида акс эттирган олимларимиздан бири сифатида Г.М.Бақаоевани келтиришимиз мумкин. У ўзининг “Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда деривативларни қўллаш истиқболлари” номли докторлик диссертациясида Ўзбекистон фонд бозорида молиявий сармоянинг самарадорлигини акция ва облигацияларнинг ликвидлилик даражасига боғлиқ ҳолда корхоналарнинг портфелини шакллантириш ҳамда IPO ва SPO амалиётларини фонд биржаси листингида бўлмаган корхоналар учун амалиётга киритиш, биржадан ташқари акция савдосини йўлга қўйиш орқали акциядорлик жамиятларининг тижорат фаолиятларини кенгайтириш таклифини асослаган ва шунингдек мамлакатнинг асосий бошқарув вазифаси фонд бозоридаги сармоядорлар учун рискни максимал даражада камайтириш, қимматли қоғозлар эгасининг ҳамда сармоядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шунингдек, иқтисодиётнинг бу секторини иқтисодий ҳимоя ва қонунчилик билан таъминлашдан иборатлигини таъкидлаб ўтган[6].

Молия бозори хусусан, қимматли қоғозлар бозорида ўзининг кучли нуқтаи назарига эга бўлган иқтисодчи олимларимиздан яна бири С.Э.Элмирзаев “Акциядорлик жамиятларининг акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти ва таҳлили”[7] номли илмий тадқиқотида, акцияларни оммавий жойлаштириш орқали капитал жалб қилишнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиққан бўлиб, «Кварц» АЖ томонидан ўтказилган акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO) амалиёти бўйича таҳлилни амалга оширган. Шунингдек, акцияларни очиқ обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш амалиётининг ташкилий хусусиятлари ва камчиликлари хусусида ўз фикрларини баён этган[8].

Фонд бозорида листингдан ўтган компанияларнинг иқтисодий таҳлили ва бизнес қийматини баҳолаш методлари ва методологиялари илмий жиҳатдан ўрганган иқтисодчи олимларимиздан Л.Зойиров, У.Мухторова, С.Қосимова[9]ларакциядорлик жамиятларини инвестицион фаолиятига кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашган. Шунингдек, У.Ў.Азизов Капитал бозорини, хусусан фонд бозорини иқтисодий ўсишни таъминловчи драйвер сифатида кўрсатиб, қимматли қоғозлар бозори молия тизимининг асосий бўғин сифатида унинг барқарорлигини таъминлаш, мамлакат рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатувчи асосий омил эканлигини илмий асослаб берган[10].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Миллий иқтисодиётимизда йирик ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Кварц» акциядорлик жамияти ўз фаолиятини 1975 йилда Фарғона

вилоятининг Қувасой шаҳрида бошлаган. Ҳозирги кунда ушбу компания томонидан листланган ойна, шиша банка, бутилка, автомобиль саноати учун ойна ва ўтга чидамли материаллар ишлаб чиқарилади. Олиб борилган маркетинг тадқиқотларига асосан, «Кварц» АЖнинг Ўзбекистон бозоридаги улуши шиша банкалар бўйича – 95 фоиз, қурилиш ойнаси бўйича 60 фоиз, шиша бутилкалар бўйича – 50 фоизни ташкил этади. Жамиятнинг 2017—2021 йиллар учун Стратегик ривожланиш дастурига асосан корхонада ишлаб чиқаришини фаол модернизация қилиш, энерготехамкор линияларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ва акциядорлар даромадини ошириш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида саноат ва уй хўжаликлари учун листланган ойнага бўлган эҳтиёж 38 миллион квадрат метрни ташкил этиб, ҳозирги кунда «Кварц» АЖ ушбу талабнинг 28,6 фоизини ёки 10 миллион квадрат метр қондирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги “«Кварц» АЖда текис шиша ишлаб чиқариш учун янги технология линиясини қуриш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-5374 сонли фармойиши ва 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067-сон қарорида белгиланган инвестицион дастурга асосан, «Кварц» акциядорлик жамиятида хорижий кредит линиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш қуввати 22,2 миллион квадрат метрга тенг бўлган ва қиймати 70,2 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи янги листланган ойна ишлаб чиқариш линияси бўйича қурилиш ишлари олиб борилмоқда(1-2-жадвал).

1-жадвал

«Кварц» акциядорлик жамиятининг инвестицион лойиҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилиниши [11]

Инвестицион лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Реализация мuddати	Хорижий инвестор	Хорижий инвестициянинг умумий ҳажми	01.01.2019 кутилаётган қолдиқ	2019 йилга прогноз		Дастурга кўшиш учун асос
						Ўзлаштириш	Жалб қилиш	
"Кварц" АЖ базасида шиша ишлаб чиқарадиган янги линияни қуриш	22,2 миллион квадрат метр	2018-2019 йиллар	“Shanghai Pony Techolog” компанияси (Хитой Халқ Республикаси)	52,7 млн. доллар	34,1 млн. доллар	34,1 млн. доллар	34,1 млн. доллар	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПҚ-3874-сонли қарори

Юқоридаги жадвалдан кўриб турганимиздек, Хитой Халқ Республикасида фаолият юритаётган “Shanghai Pony Techolog” компанияси сармоя киритиш ишларини амалга оширмоқда.

2-жадвал

«Кварц» акциядорлик жамиятининг инвестицион лойиҳасига ажратилган маблағлари ва ўзлаштириш жараёни [11]

Инвестицион лойиҳа номи	Лойиҳа куввати	Реализация муддати	2019 йилда ишлаб чиқариш ҳажми	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн. доллар	2019 йилда ўзлаштирилиши, млн. Доллар		
					Молиялаштириш манбаалари		
					Жами	Ўз маблағлари ҳисобидан	Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар
"Кварц" АЖ базасида шиша ишлаб чиқарадиган янги линияни қуриш	22,2 миллион квадрат метр	2018-2019 йиллар	4,0 миллион квадрат метр	70,2	50,8	16,7	34,1

«Кварц» акциядорлик жамияти ушбу лойиҳани амалга оширгандан сўнг миллий бозоримизда текис шиша ишлаб чиқариш бўйича бозор сегментининг 92 фоизини эгаллаб, йилига 32,2 миллион квадрат метр саноат ва уй хўжаликлари учун текис шиша маҳсулотини етказиб бериш имкониятига эга бўлади. Шу ўринда молиявий рискларни олдини олиш ва юқоридаги инвестицион лойиҳани ўз маблағларидан молиялаштиришни ташкил этиш учун «Кварц» АЖ SPO жараёнини ташкил этиш режалаштирилди.


Республикаимиз фонд бозорида «Кварц» АЖ акцияларини иккиламчи оммавий таклифи(SPO) жараёни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги 5666-сонли Фармони ва ташкилотчи компаниялардан «Freedom Finance» МЧЖ ҳамда «Portfolio investment» МЧЖ брокерлик ташкилотлари шартномасига асосан амалга оширилмоқда. Режа бўйича «Кварц» АЖ устав капиталидаги 20 фоиз давлат акциялари пакетини босқичма-босқич фонд биржасида иккиламчи SPO ўтказиш орқали, дастлаб 2019 йилнинг июнь ойида акциялар пакетининг 5 фоизини сотувга чиқарган ҳолда савдога қўйиш тўғрисидаги таклифлари мақулланган эди. [12] Лекин «Кварц» акциядорлик жамияти иқтисодий фаолиятини баҳолаш ишлари кўп вақт олганлиги сабабли, дастлабки 5 фоиз ҳажмдаги SPO жараёни 2019 йилнинг октябрь-декабрь ойларида амалга оширилмоқда. Акцияларни иккиламчи оммавий таклиф жараёни «Тошкент» Республика Фонд Биржасида харидор берган буюртмада таклиф этилган нархларда, юқори берилган баҳога устуворлик берилган ҳолда амалга оширилади.

3-жадвал

“Тошкент” РФБсида «Кварц» АЖ акцияларини иккиламчи оммавий таклифи(SPO) жараёни[13]

Тадбирлар номи	Муддат	Кўрсаткичлар	
Оммавий таклиф бошланиш вақти	09.10.2019	Валюта	UZS
Обунанинг бошланиш вақти	10.10.2019	Таклиф қилиш нархи(мин)	3 270,4
Обунанинг тугаш вақти	24.12.2019	Таклиф қилиш нархи(мах)	8 370,4
Листинг санаси	27.12.2019	Оммавий таклиф миқдори	4 822 460
Депозит талаблари	100 %	Сотиб олиниши мумкин бўлган акциялар миқдори	4 822

«Кварц» акциядорлик жамиятининг умумий акциялари миқдори 2019 йилининг декабрь ойида 96 449 218 донани ташкил этиб, юқоридаги жадвалда кўрсатиб ўтилганидек, 5 фоизлик давлат улуши яний 4 822 460 дона акция сотувга қўйилган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, СПО жараёнида иштирокчиларни сонини ошириш ва фонд бозорига аҳолини кенг жалб қилиш мақсадида сотиб олишнинг минимал чегараси – 4 822 дона акция белгилаб қўйилган.



■ Давлат активларини бошқариш агентлиги ■ Юридик ва жисмоний шахслар

1-расм. "Кварц" АЖнинг акциядорлик капитали таркиби ўзгариб бориши, фоизда [14]

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида «Кварц» акциядорлик жамиятининг Давлатга тегишли бўлган улуши секин асталик билан хусусийлаштирилади. Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларидан келиб чиқиб, шунини таъкидлаш мумкинки, 2022 йилга келиб «Кварц» АЖида хусусий инвесторлар улуши 25,22 фоизни ташкил этади.

Ривожланган мамлакатларда компанияларнинг самарали фаолияти уларнинг бозор капиталлашуви билан таққосланади. Хусусан, 2019 йилнинг 1


декабр ҳолатига йирик транс миллий корпорациялар ҳисобланган Американинг «Apple» компанияси 1 192,8 млрд. АҚШ доллари, «Microsoft» компанияси 1 155,9 млрд. АҚШ доллари, «Amazon» компанияси 898,4 млрд. АҚШ доллари, «Tesla» компанияси 59,03 млрд. АҚШ доллари[13]га тенг бозор капиталлашувга эга.

4-жадвал

«Кварц» акциядорлик жамиятининг умумий маълумотлари, 01.12.2019 йил ҳолатига [16]


"Кварц" АЖ						
Акция тури	ISIN	Дона	Номин ал	Устав капитали	Савдо қунидаги бозор нархи	Бозор капитализацияси
Оддий акция	UZ7025770007 KVTS	96 449 218	1 715 UZS	165 410 408 870 UZS	3500,0 UZS	337 572 263 000 UZS
			0,18 USD	17 421 377,95 USD	0,37 USD	35 553 832,57 USD

«Тошкент» Республика фонд биржаси томонидан олинган маълумотлар асосида шуни таъкидлаш жоизки 2019 йилнинг 1 декабр ҳолатига «Кварц» акциядорлик жамиятининг устав капитали 165,4 млрд. сўмни ташкил этиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўмнинг долларга нисбатан курси бўйича ушбу кўрсаткич 17,4 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Компаниянинг бозор капиталлашуви эса, 337,6 млрд. сўм ёки 35,6 млн. АҚШ долларини ташкил этади.




2-расм. «Кварц» АЖнинг ўз маблағлари манбалари, млн. сўм[17]

«Кварц» акциядорлик жамиятининг 2013 йилдаги устав капитали 23,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 82,7 ва 2019 йилда соф фойданинг 56,50 миллиард сўми устав фондини оширишга йўналтирилиши (капитализация) эвазига 165,4 млрд. сўмдан иборат бўлди.



3-расм. «Кварц» АЖ йиллик молиявий натижалари, млрд. сўм [17]

Компаниянинг молиявий натижаларини йиллар кесимида кўриб чиқар эканмиз 2018 йилда соф фойда 82,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб ўтган йилга нисбатан 5,7 млрд. сўмга камайган, ваҳоланки соф тушим 500 млн сўмга кўпайган. Компания ишлаб чиққан бизнес режага асосан, 2023 йилга келиб соф фойда 77,2 млрд. сўмлик натижани кўрсатади. Ушбу ҳолат «Кварц» АЖ хорижий инвестор ва кредитор олдидаги қарз мажбуриятини сўндиришга қаратилган сиёсатни амалга оширишини англатади.



4-расм. «Кварц» АЖ йиллик соф фойдасининг ўзгариши, фоизда [17]

Юқоридаги расм орқали шуни англаш мумкинки, «Кварц» акциядорлик жамиятининг соф фойдаси 2019 йилнинг 3 чораки бўйича олдинги йилги кўрсаткичнинг 68,9 млрд. сўмининг 50,4 фоизни ташкил этган. Графикда, соф фойда ўзгариши В – бу компаниянинг бизнес режаси асосида, соф фойда ўзгариши А- бу бозор конъюктурасининг салбий томонга оғишини ҳисобга

олувчи модел асосида, соф фойда ўзгариши С – бу олдинги йилларни ўрганиб чиқиш асосида қилинган прогноз модели.

Юқоридаги таҳлилий натижаларга қўшимча равишда, фонд бозорида «Кварц» АЖ акцияларини иккиламчи оммавий таклифи(SPO) жараёни учун яна бир муҳим маълумот сифатида, жамиятнинг акциядорлар учун дивиденд сиёсатини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Қуйида «Кварц» акциядорлик жамиятининг йиллар кесимида акциядорлар учун ҳисобланган ва тўланган дивидендлар ҳажми кўрсатилган.(5-жадвал)

5-жадвал

«Кварц» акциядорлик жамиятининг оддий акциялари ва дивиденд сиёсати бўйича маълумот [18]

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда				Режа				
	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Акция номинал қиймати	1 715	1 715	1 715	1 715	1 715	1 715	1 715	1 715	1 715
Жами акциялар сони, дона	23 963 940	23 963 940	48 224 609	96 449 218	96 449 218	96 449 218	96 449 218	96 449 218	96 449 218
Дивиденд тўлови									
Қийматда, млрд. сўм	14,316	28,092	44,115	1 + 1*	20,3	25,5	31,85	34,05	38,6
Фойдага нисбатан фойзда	46,03	49,46	50,01		50,0	50,0	50,0	50,0	50,0
Бир дона акция учун дивиденд тўлови									
Сўмда	597,4	1 172,3	914,8	4 000*	210,5	264,4	330,2	353,0	400,2
Номиналга нисбатан фойзда	34,8	68,3	53,3	233,2*	12,3	15,4	19,3	20,6	23,3
Бозор баҳосига нисбатан фойзда	34,8	68,3	18,3	57,14*	5,3**	6,6**	8,3**	8,8**	10,0**

Изоҳ: * соф фойдани компания капитализация қилган ҳолда ҳар бир акция учун қўшимча акция кўшиб берилди. ** Бир дона акциянинг ўртача баҳоси 4 000 сўмлик диапазонда олинган.

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари қонун ҳужжатларида кўрсатилганидек ўзларининг дивиденд сиёсатларига эгадирлар. «Кварц» акциядорлик жамияти ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, жамият Устави ва Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низомига мувофиқ ўзининг дивиденд сиёсатини шакллантирган. Компания намунали дивиденд тўловчи ҳисобланиб, 2017 йил якунларига кўра соф фойданинг 50,01 фоиздаги улушини дивиденд тўловига йўналтирган. Юқоридаги молиявий ва баланс маълумотлари асосида компаниянинг келгуси 5 йиллик дивиденд бериш сиёсати ишлаб чиқилди. Албатта, бу ерда акциядорлик жамиятининг капиталлашуви ҳисобга олинмаган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилганда, «Кварц» акциядорлик жамияти ҳозирги кунда ўз фаолияти бўйича Марказий Осиёда йирик ишлаб чиқариш объекти

ҳисобланади. Саноат ва уй хўжалиги учун текис шиша ишлаб чиқаришда бозор улушини эгаллаш жиҳатдан ҳозирда 26,3 фоизлик улушга эга бўлса, амалга оширилиш режалаштирилган инвестицион лойиҳадан сўнг ушбу кўрсаткич 84,7 фоизни ташкил этади ва компания ички ва ташқи бозорга ўзининг сифатли маҳсулотларини етказиб беришга имкон яратади.«Кварц» акциядорлик жамиятининг молиявий натижаларини таҳлил қилар эканмиз, 2018 йилда компаниянинг маҳсулот сотишдан соф тушуми 299,6 млрд. сўмни ташкил этган ва бизнес режага асосан 2019 йилда бу кўрсаткич 322,7 млрд. сўм ва 2023 йилга келиб 486,6 млрд. сўмга етказиш назарда тутилган.«Кварц» акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсатига тўхталадиган бўлсак, компанияда 2015-2017 йиллар давомида соф фойданинг камида 49 фоизни дивиденд тўловига йўналтирилган. Шунингдек, 2018 йилнинг якунларига кўра компания дивиденд ўрнига ҳар бир акция учун қўшимча бир дона акция қўшиб бериш асосида акциядорларга номинал баҳосига нисбатан 233,2фоизлик даромад келтирган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ва таҳлилларни ҳисобга олиб фонд бозорида «Кварц» АЖ акцияларини иккиламчи оммавий таклифи(SPO) жараёни бўйича қуйидагиларни таклиф қиламиз:

- юртимиз аҳолисида молиявий ресурсларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, «Кварц» АЖ акцияларини иккиламчи оммавий таклифи (SPO) жараёнини 2020 йилнинг февраль ойида якунлаш. Кузатишларга кўра, одатда йилнинг декабрь ойида жисмоний шахсларда бирламчи эҳтиёжларга бўлган талаб ошиб кетади;

- йирик инвесторларни жалб қилиш мақсадида, «Кварц» АЖ акцияларини иккиламчи оммавий таклифи (SPO) жараёнида ҳар бир иштирокчи сотиб олиши мумкин бўлган оддий акцияларни 4 822 донадан 9 464 донага кўпайтириш;

- SPO жараёни бўйича “Тошкент” РФБ ва брокерлик ташкилотлари томонидан олинадиган коммисион ҳақлар фоизини камайтириш;

- оммавий аҳборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали «Кварц» АЖ акцияларини иккиламчи оммавий таклифи(SPO) жараёни бўйича кенг қамровли “Road show” лойиҳаларини амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисидаги фармони.Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон., Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

2. Enrico C. Perotti, Pieter van Oijen “Privatization, political risk and stock market development in emerging economies” *Journal of International Money and Finance* Volume 20, Issue 1, February 2001, Pages 43-69 (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0261560600000322>)
3. Bernardo Bortolotti, Frankde Jong, Giovanna Nicodano, Ibolya Schindele “Privatization and stock market liquidity” *Journal of Banking & Finance* Volume 31, Issue 2, February 2007, Pages 297-316(<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0378426606001695>).
4. NarjessBoubakri, OlfaHamza “The dynamics of privatization, the legal environment and stock market development” *International Review of Financial Analysis* Volume 16, Issue 4, 2007, Pages 304-331 (<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1057521907000026>).
5. Nihat Aktas, Kathleen Andries, Ettore Croci, Ali Ozdakak “Stock market development and the financing role of IPOs in acquisitions” *Journal of Banking & Finance* Volume 98, January 2019, Pages 25-38 (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378426618302395>).
6. Г.М.Бақаоева “Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда деривативларни қўллаш истикболлари” Автореферат, Т,-2019, 1-65-бет.
7. С.Э.Элмирзаев “Акциядорлик жамиятларининг акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти ва таҳлили”. Т.: “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, № 1, 2019 йил февраль, 1-7-бет. (<http://interfinance.uz/en/архив/249-1-2020>).
8. С.Э.Элмирзаев, Б.Ж.Боев “Акцияларни оммавий жойлаштириш операцияларини ташкил этиш ва ўтказиш”. Т.: “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, № 3, 2019 йил июнь, 1-8-бет. (<http://interfinance.uz/en/архив/238-ikkiz20182307>).
9. Л.Зойиров, У.Мухторова, С.Қосимова “Бизнес қийматини баҳолаш” Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2019 й. – 224 бет.
10. У.Ў.Азизов “Капитал бозори: иқтисодий ўсишни таъминловчи драйвер”, “Халқ сўзи” газетаси № 246 сон 2019 йил 28 ноябрь 4-бет.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067-сон қарори, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2018 й., 07/18/4067/2354-сон, (<http://lex.uz/docs/4117467>)
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Тошкент ш., 2019 йил 19 февраль, ПФ-5666-сон, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2019 й., 06/19/5666/2636-сон.
13. “Тошкент” Республика фонд биржаси IPO ва SPO жараёнлари бўйича расмий маълумотлари (<https://www.uzse.uz/ipos/16>)

14. Ў.Тўхтасинов “Хусусийлаштириш: янги вазифаларга киришилди” “Биржа” электрон журнали, 09.05.2019 йил Сон: №52(2527), (www.biznes-daily.uz/uz/gazeta-birja/64717--xususiylashtirish-yangi-vazifalarga-kirishildi)
15. <https://finviz.com/quote.ashx?t=AAPL&ty=c&ta=1&p=d>
16. “Тошкент” Республика фонд биржаси расмий маълумотлари (https://www.uzse.uz/isu_infos/UZ7025770007/detail).
17. Корпоратив ахборот ягона портали расмий маълумотлари (<http://openinfo.uz>)
18. «Кварц» акциядорлик жамиятининг расмий маълумотлари (<https://docs.kvarts.uz//index.php?subcat=10&PHPSESSID=af3f8b8a632f1c5b48748393ffde269a>)